

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА
ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАНГИРОВ АБДИМУТАЛ ИСАМИТДИНОВИЧ

**БЎЗТОҒ-КЎКПАТАС-ОҚЖЕТПЕС ТРЕНДИ ЧЕГАРАСИДАГИ ОЛТИН
КОНЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШИШ ШАРОИТЛАРИ ВА БАШОРАТЛОВ-
ҚИДИРУВ МЕЪЗОНЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тангиров Абдимутал Исамитдинович Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди чегарасидаги олтин конларининг жойлашиш шароитлари ва башоратлов-қидирув меъзонларини яратиш	3
Тангиров Абдимутал Исамитдинович Условия локализации месторождений золота в зоне Бозтау-Кокпатас-Окжетпесского тренда и разработка прогнозно-поисковых критериев	23
Tangirov Abdimutal Isamitdinovich Conditions of localization of gold deposits in the zone of Bostau-Kokpatas-Ozhetepesky trend and development of forecast-search for criteria.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	46

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА
ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАНГИРОВ АБДИМУТАЛ ИСАМИТДИНОВИЧ

**БЎЗТОҒ-КЎКПАТАС-ОҚЖЕТПЕС ТРЕНДИ ЧЕГАРАСИДАГИ ОЛТИН
КОНЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШИШ ШАРОИТЛАРИ ВА БАШОРАТЛОВ-
ҚИДИРУВ МЕЪЗОНЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/GM15 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gpniimr.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исаходжаев Бахтияр Абдукаримович
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Цой Владимир Деньевич
геология-минералогия фанлари доктори

Колоскова Светлана Максимовна
геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

«Уранкамёбметгеология» ДУК

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси 11а-уй. Тел: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси 11а-уй. Тел: (99871) 256-13-49).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Р. Ахунджанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

К.Р. Мингбоев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н.

Х.А. Акбаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, академик, г.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон амалиётида қимматбаҳо металллар захираларини кўпайтириш, кончилик корхоналарини хомашё билан таъминлаш асосан ёпиқ майдонларда янги конларни излаб топиш ва геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш орқали амалга оширилмоқда. Шу туфайли янги истиқболли майдонларни топиш ва минерал хомашё базасини кенгайтиришда башоратлаш ва қидириш ишларини изчиллик билан геология фанининг ютуқлари, техника ва технологияси бўйича мавжуд замонавий тажриба ва янгиликларга таянган ҳолда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда маъданлашувнинг шаклланиш шароитлари ва йирик маъдан назорат қилувчи структураларнинг хусусиятларини аниқлаш асосида ёпиқ майдонларда фойдали қазилма конларини башоратлаш меъзонларини ишлаб чиқиш геология соҳасининг устувор илмий йўналишларидан бири бўлиб, бу борада, жумладан, конларда маъданлашувнинг жойлашиш ҳамда морфологик хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг геологик-структуравий таснифларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу муаммоларнинг ечими ёпиқ майдонларда маъданлашув ҳудудларини башоратлаш ишларининг ишончилигини ошириш, чуқур горизонтларда маъдан конларининг саноат аҳамиятини баҳолаш ва конлар учун истиқболли бўлган геологик-структуравий позицияларни илмий асослашда қулай имкониятлар яратади.

Мамлакатимизда олтинга истиқболли янги майдонларни излаб топиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, жумладан, амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўндан ортиқ янги олтин конлари аниқланди ва уларнинг аксарият қисми ҳозирги кунда кончилик корхоналари томонидан қазиб олинмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, ... салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, Букантоғ ҳудудидаги ёпиқ майдонларда маъданлашувнинг жойлашув хусусиятларини аниқлаш ва маъданлашувнинг башоратлов-қидирув меъзонларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24-майдаги ПҚ-3004-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини тузиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2018 йил 1-мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олтин конлари ва маъдан намоёнларини жойлашиш шароитларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари илмий ходимлари, жумладан, Т.М.Соллисон, Е.А.Лауһа, Р.Джелемон, Кенуна Велла, Р.Селтман, Р.Д.Дженчураева, М.С.Рафаилович, Ўзбекистон ҳудудида маъдан намоёнларини жойлашиш қонуниятлари турли йилларда И.Х.Ҳамрабаев, Г.В.Гарьковец, Х.Р.Раҳматуллаев, Н.А.Никифоров, А.К.Бухарин, В.В.Михайлов, Р.В.Цой, В.В.Овчинников, С.Я.Клемперт, В.В.Овечкин, С.Д.Шер, И.П.Щербань, А.Д.Швецов, В.З.Зонов, Х.А.Ақбаров, З.М.Абдуазимова, Р.А.Ахунджанов, Б.А.Исаходжаев, В.Д.Цой., М.К.Турапов, Р.И.Конеев, М.М.Пирназаров, Б.И.Мирходжаев, С.М.Колоскова, Р.Х.Миркамалов, С.Т.Марипова, Ю.В.Михайлова, М.С.Карабаев, Н.Ю.Дулабова ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Ўтган даврларда жуда кўплаб илмий натижалар олинганига қарамай соҳада ечими топилмаган қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, Букантоғ тоғи ҳудудида олтин конлари ва намоёнларини жойлашиш шароитларини ўрганиш бўйича илмий изланишларни давом эттиришни талаб этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда соҳада маъданларни жойлашиш шароитларини ҳар тарафлама илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш орқали яширин маъданлашувни башоратлов-қидирув меъзонларини ишлаб чиқиш зарурияти вужудга келди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ К-5-001 «Ўзбекистон олтин конларини излаш, разведка қилиш ва баҳолаш жараёнларида намуналашнинг аниқлигини ҳамда ишончлилигини таъминлаш муаммолари, уларни самарали ечим йўллари ишлаб чиқиш» (2009-2011йй.), ЁФ-6-01 «Букантоғ тоғларидаги нодир ва ноёб металл эндоген маъданлашув намоёнларининг геолого-генетик 3D моделларини яратиш» (2010-2011йй.), Ф-8-12 «Букантоғ тоғидаги олтин конлари гипергенез зонасида олтин маъданларининг ўзгарувчанлигини, уларни ўрганишнинг илмий асосларини яратиш мақсадида, тадқиқ этиш» (2012-2016йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди зонасида яширин олтин маданлашувининг башоратлов-қидирув меъзонларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

геология фанининг замонавий ютуқлари асосида йиғилган далилий материалларни илмий таҳлил қилиш;

конлар ва маъдан намоёнларини башоратлаш мақсадида геологик-структуравий ва моддий-минералогик омиллар асосида тизимлаштириш;

конлар ва саноатбоп маъдан таналарини жойлашиш шароитларини аниқлаш;

конларни башоратлаш мақсадида региондаги эталон конларнинг геологик 3D моделларини ишлаб чиқиш;

яширин олтин маъданлашувини баҳолашнинг башоратлов-қидирув меъзонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди зонасидаги олтин конлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди зонасидаги конларда олтин маъданлашувининг жойлашиш шароитлари, маъданлашув таркиби ва маъдан конлари морфологияси танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда дала шароитида комплекс кузатувлар (геологик маршрутлар, литологик, минералогик ва структуравий қирқимлар тузиш, намуналар олиш, геологик хужжатлаштириш ва бошқалар), геологик-структуравий ҳамда юқори аниқликка эга бўлган замонавий таҳлил усулларини (масс-спектрометр ICP MS, Jeol, ДРОН-3) қўллаш, лаборатория шароитида олинган маълумотларни назарий умумлаштириш, тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлил қилиш, уларнинг электрон маълумотлар базасини яратиш ҳамда таҳлил қилиш ва замонавий Micromine дастурида конларни геологик 3D моделларини ишлаб чиқишни ўз ичига олган усуллар мажмуидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Букантоғ тоғида Кокпатас чуқур дарзлиги бўйлаб янги регионал структура Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди асосланган;

Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес трендидаги олтин маъданлашувининг эндоген конлари ва маъдан намоёнларининг жойлашиш шароитлари аниқланган;

асосий маъдан назаротловчи геологик-структуравий, минералогик-геокимёвий, магматик, стратиграфик ва литологик омиллар аниқланган;

илк бор рақамли аэро-космик тасвирлар ва геокимёвий маълумотлар, геофизик ва минерагеник тадқиқотлар материалларини қўллаган ҳолда эндоген маъданлашувининг геологик 3D моделлари ишлаб чиқилган;

ёпиқ худудларда олтин ва олтин-кумушли ёпиқ маъданлашувининг истиқболли майдонларини излаш ва баҳолашда фойдаланиш мумкин бўлган геологик башоратлов-қидирув меъзонлари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аксарият (80% атрофидаги) маъдан объектлари янги ажратилган Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди структураси ҳудудида жойлашганлиги асосланган;

маъданларнинг минерал таркиби, маъдан олди ўзгаришларининг комплекс тавсифи ва уларнинг интенсивлиги, олтин маъданлашувининг ўзгарувчанлиги аниқланган;

Micromine 3D моделлари геологик маълумотларни қайта ишлаш сифати ҳамда яқуний геологик-услубий маълумотлар ишончлилигини оширган;

майдонларни баҳолашнинг геологик-структуравий, минералогик-геокимёвий башоратлов-қидирув меъзонлари ишлаб чиқилган;

Оқжетпес маъданли майдонининг шимоли-шарқий қисми, Кўкпатас ва Оқжетпес маъданли майдонлари ўртасидаги майдон ҳамда Бўзтоғ истиқболли майдони жанубий қисмининг олтинга истиқболлилиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги 250 дан ортиқ нуқтада муфассал геологик кузатувлар, 1500 п.м. литологик қирқимлар, 2000 п.м. структуравий қирқимлар, 1000 п.м. минералогик қирқимлар, Ўзстандартнинг текширувидан ва аттестациясидан ўтган лабораторияларда бажарилган микрозонд таҳлили (70), масс-спектрометрик таҳлил (70), минералогик (200 шлиф ва аншлиф) таҳлил ва маълумотларга замонавий Micromine дастурида ишлов бериш натижаларига таянган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳудуднинг минерагеник қиёфасини аниқлашда регионал геодинамик позициялар, уларнинг моҳияти билан боғлиқ бўлган йирик маъдан назарат қилувчи структураларнинг роли ва жойи аниқланганлиги, конлар ва маъдан таналарини таснифи ишлаб чиқилганлиги ҳамда уларнинг нисбий маҳсулдорлигини баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маъдан назорат қилувчи геологик-структуравий, минералогик-геокимёвий омиллар ва олтин маъданлашуви жойлашиш қонуниятларини олдиндан аниқловчи етакчи элементларнинг аниқланиши, замонавий Micromine дастурий маҳсулоти асосида башоратлаш учун ҳудуддаги 8 та кон бўйича локал маълумотлар базаси ва уларнинг ҳажмий 3D моделлари яратилганлиги тадқиқот натижаларининг самараси ҳисобланади. Тавсиялар ажратилган истиқболли майдонларда баҳолаш ишларини амалга ошириш жараёнида фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди чегарасидаги олтин конларининг жойлашиш шароитлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Букантоғ тоғида Кўкпатас чуқур дарзлиги бўйлаб янги регионал структура Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди «Қизилқумгеология» ДУКда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 28 сентябрдаги 04/19-спр-сон маълумотномаси). Натижада Букантоғ тоғининг нисбатан кенг ҳудудларида Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди чегарасидаги жанубий ва

шарқий Оқжетпес истиқболли майдонларида олтин маъданлашувининг жойлашиш шароитларини аниқлашга имконият яратилган;

олтин маъданлашувининг жойлашиш шароитларини назаротловчи янги геологик-структуравий, минералогик-геокимёвий омиллар «Қизилқумгеология» ДУКда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 28 сентябрдаги 04/19-спр-сон маълумотномаси). Натижада Бўзтоғ истиқболли майдонининг жанубий қисми, Оқжетпес маъданли майдонининг шимоли-шарқий қисми ҳамда Кўкпатас ва Оқжетпес тоғлари ўртасидаги ёпиқ майдонларда маъдан намоёнларини башоратлаш имконини берган;

рақамли аэро-космик ва геокимёвий маълумотлар, геофизик ва минерагеник тадқиқотлар материаллари асосида ишлаб чиқилган эндоген маъданлашувнинг геологик 3D моделлари «Қизилқумгеология» ДУКда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 28 сентябрдаги 04/19-спр-сон маълумотномаси). Натижада ГАТ-технологияларини қўллаш орқали олинган ишланмалар Жанубий Букантоғ худудида геология-қидирув ишларини амалга ошириш жараёнидаги геологик маълумотларнинг сифати ва ишончлилигини 15-20% га оширишга хизмат қилган;

худуднинг ёпиқ истиқболли майдонларида олтин ва олтин-кумушли яширин маъданлашувнинг башоратлов-қидирув меъзонлари «Қизилқумгеология» ДУКда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 28 сентябрдаги 04/19-спр-сон маълумотномаси). Натижада башоратлаш-қидириш ишларининг самародорлигини 15-20 % га ошириш учун зарур бўлган олтин маъданлашувининг асосий қидирув меъзонларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.



Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 матнли бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланади, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқот илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг

илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди ажратилишини асослаш**» бўйича мавжуд қарашларни шарҳлашга бағишланган. Худуднинг эндоген маъданлашувининг регионал жойлашиш қонуниятларини ўрганишда тренд-таҳлил имкониятларидан, яъни геологияда тадқиқ қилинаётган тавсифларнинг худудий ва маҳаллий компонентларини аниқлаш учун фойдаланилди. Бундай ёндошув жаҳон тажрибасида етарлича кенг қўлланилади. (Jorelemon, 1978; Kenowna Bella, 1998; Collins, 1997; Р.Д.Дженчураева, 2010).



1,2,3 – шимолийбукантоғ СФЗ. Молассали формация. Архар, ащибулак свиталари. Конгломератлар, гравелитлар, қумтошлар, алевролитлар, оҳактош линзалари ва бошқалар; 4 – жанубийбукантоғ СФЗ. Қорошохо қатлами. Қумтошлар, алевролитлар, базальт бўлаклари ва линзалари, оҳактошлар, кварцитлар. 5 – бўзтоғ, сардор свиталари. Қумтошлар, алевролитлар, сланецлар, конгломератлар ва бошқалар; 6 – карбонатли трансформация. Ирлир; 7 - карбонатли трансформация. Оқжетпес; 8 – терриген формация. 9 – кўксой свитаси. Қумтошлар, алевролитлар, сланецлар; 10 – кўкпатас свитаси. Углеродли сланецлар и филлитсимон оҳактошлар, доломитлар, кварцитлар. 11 –12 – интрузив массивлар; 13 – Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди чегараси; 14 – Бўзтоғ, Кўкпатас, Саутбой чегараси; 15 – маъдан намоёни ва конлар.

1-расм. Металлогеник тадқиқотлар натижалари бўйича Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди (БКОТ)

Геологик-тасвирлаш ишлари материалларини (А.К.Бухарин ва б. 1990), фойдали қазилма конларининг жойлашиши (В.В.Михайлов, 1981), космосуратларни дешифровка қилиш (А.К.Глух, 2008), геологик-геодинамик тузилиши (Р.Х.Миркамалов, 2012) ва б. йирик регионал структуралар – Бўзтоғ тоғидан Кўкпатас орқали Оқжетпес тепаликларигача кенглиги 8 км ва Бўзтоғ, Кўкпатас ва Оқжетпес карбонат жинсли антишакли структуралар билан ўртача 320⁰ чўзилган тренд мавжудлигини етарлича аниқ ифодаловчи материаллар кўшимча тадқиқ ва таҳлил қилинди.

Ажратилган худудий структура куйидаги элементлар билан етарлича аниқ белгиланган:

- мавжуд бўйлама узилмалар, турли тартибдаги ва кўринишдаги тектоник бузилишлар лекин асосий жинслар ўрта палеозой акрецион мажмуага тегишли;

- бу зоналар бўйлаб девон-карбон ёшидаги брахишакли карбонатли тузилмалар занжири мавжуд, рифей ётқизикларининг кўкпатас свитаси ва флиш-олистостромали қорашоқ қатламлари орасида структуравий-тектоник эррацион окна ҳосил қилган;

- ушбу структурада жуда кўплаб бу ерда маълум бўлган маъдан объектлари жойлашган. Яъни 80% дан ортиқ асосий намоёнлар ташкил қилади. (1-расм)

Диссертациянинг «**Олтин конларини геологик тузилиши ва жойлашишини назоратловчи элементларнинг хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобда олтин конларининг жойлашиш ва геологик тузилиш хусусиятлари ёритилган.

Майдоннинг геологик тузилишини турли муаллифлар маълумотлари бўйича (З.М.Абдуазимова, Р.Х.Миркамалов, 2012) кўкпатас свитасининг терриген ва кремнийли-терриген-карбонатли қатламлари, оқжетпес, бўзтоғ ва шарқий сардор свитасининг карбонатли ётқизиклари ва қорашоқ қатламларини ташкил қилган ўрта палеозой акрецион мажмуалар асосидаги вулконеген-чўкинди ҳосилалар қатнашади.


Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди ва унинг атрофидаги майдонларнинг структуравий кўриниши кўкпатас свитасининг ўрта-юқори рифей ётқизиклари йирик сурилма зонасини антишакл ядросида очилган девон ва карбоннинг карбонат жинсларига мослашиши билан характерланади (2-расм).

Майдоннинг бурмали структуралари турли йўналишдаги мураккаб узилмалар бузилмалар сурилма, кўтарилма, туширма ва силжималар билан характерланади. Уларнинг кўпчилиги шимоли-ғарбий ва субкенгликда чўзилган.

Энг қадимийлари субмеридионал ва тик ётган шимоли – ғарбий ёриқлар ҳисобланади, одатда гипербазит таналарида жойлашган.

Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес трендида олтинли маъданлашувининг характерли жиҳатлари кўп ҳолларда минераллашган жинсларнинг гидротермал ўзгарган таналарга тўғри келишидир. Ушбу ўзгарган минераллашган жинсларда

олтиннинг миқдори одатда ҳудуд бўйича бир неча “фонли” баробар ошади, гарчи кўп ҳолларда улар минимал-саноат даражасидан паст бўлади (3-расм).




1-қорашох свитаси (C_2kr): алевролитлар, сланецлар, туфлиалевролитлар, туфлибрекчия; 2-кўкпатас свитаси (R_{2-3kr}): микрокварцитлар, оҳактошлар, доломитлар, сланецлар, алевролитлар, кумтошлар; 3- кўкпатас свитаси (R_{2-3kr}): кремнийли жинслар; 4-жусқудуқ свитаси (C_{1V3dk}): оҳактошлари; 5-букантоғ гипербазит-габбро-плагиогранитли комплекси (C_2): базитлар, гипербазитлар; 6- дарзликлар (а), сурилма (б); 7-маъдан танаси (а), маъданли участка (б).

2-расм. Бозтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди зонасининг маъданлилиги ва структуравий схемаси


Қорашохо (Шх.4, рассечка 15)

Кесим



Дальний

План



1 – углерод-хлоритли ва углерод-кремнийли сланецлар, алевролитлар, кумтошлар ва углеродли сланецлар; 2 - туфликумтошлар, кремнийли ва гилли сланецлар ва б.; 3 - кремний, кремнийли сланецлар ва б.; 4 - роговиклар ва уларга ўхшаш; 5 - дайкалар: а) лампрофирлар; б) гранодиорит-порфирлар; в) диоритли порфиритлар; г) сиенит-диорит порфирлар; 6 – сурилма юзаси; 7 - тектоник бузилиш: майдаланган зона; 8 - кварц ҳосилалари: а) томирчалар; б) томирлар; 9 – маъдан танаси; 10 - а) кварцланиш; б) углеродланиш; в) сульфидли маъданлашув тарқалиши; 11 – гидротермал ўзгариш: (кварцланиш, карбонатлашиш, углеродланиш) ўртасида қорашох сланецлари.

3-расм. Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес трендида маъдан таналари ва минераллашган жинс таналари ривожланиш ҳолатлари эпизоди (муаллифнинг дала кузатуви)

Олиб борилган муаллифнинг дала кузатишлари ва Кўкпатас геология қидирув экспедицияси геологлари тўплаган материаллар таҳлилига кўра қуйидагилар қайд қилинади:

1. Бўзтоғ -Кўкпатас-Оқжетпес тренди зонасида аниқланган янги участка ва конлар ҳудудларида олтинли зоналар бир-бирига бутунлай ўхшаш ҳолатда аммо ҳосил бўлиш даражасига кўра баъзи фарқли хусусиятларга эга.

2. Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди зонасида аниқланган янги участка ва конларда олтин маъданлашуви турли геологик-структураларда кузатилди.

3. Ўрганилган конлар ва маъдан намоёнларида олтин маъдан минераллашув намоёнлари тавсифларини ўрганишларимиз, кузатувларимиз ва баъзи муаллифларнинг фикрлари бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин. **1) мос; 2) кесувчи ва 3) мураккаб.**


Диссертациянинг «**Маъданларнинг минерал таркиби ва маъдан олди ўзгаришларининг ҳосил бўлиш тавсифи**» деб номланган учинчи бобда маъданларнинг минерал таркибини ўрганишга бағишланган. Маъдан олди ўзгаришлари тавсифи уларни етарлича турли хилдаги минерал таркиби ва маъданнинг кўпроқ ўзгарган жинсларда жойлашишини таъкидлашга имкон беради, бундай жойлашиш Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес трендидаги кўпгина объектларга хос.

Ўрганилаётган майдонларнинг маъдан олди ўзгаришини характерли жихатлари шуки, умумий фонда регионал метаморфизм ривожланиши жинслар гидротермал метаморфизм ва маъдан ҳосил бўлиш жараёни маҳсулотларини қоплаб ётади.

4-расмда қамровчи жинсларнинг кимёвий таркиби ўзгаришининг химизм жараёни тасвирланган.

Кварцлашиш ва роговиклашиш жараёнларининг кучли ривожланиши амалда барча жойларда, майдоннинг кумтош-сланецли ва кремнийли қатламларида кузатилади, дарзликлар ва сурилмаусти зоналари билан чегараланади.

Асосий маъдан қамровчи жинслар ўрганилаётган объектларда кварцли, кварц-карбонатли ва кварц-карбонат-березитли метасоматитлар гуруҳларига тегишлидир, таркиби асосан турли бошланғич литологик жинслардан иборат.



4-расм. Турли объектларда қамровчи жинсларнинг ўзгариши тавсифи

Худуднинг маъдан конлари минерал таркибини кўплаб тадқиқотчилар ўрганган (С.Я.Клемперт, И.В.Коралева, Б.И.Мирходжаев, А.Д.Швецов, В.Д.Цой, А.Х.Туресебеков, М.М.Пирназаров, М.С.Карабаев ва б.).

Тадқиқот жараёнида муаллиф ўрганилганларга қўшимча қилган ҳолда маъданнинг минерал таркибини бирламчи ва оксидланган маъданлар учун алоҳида ўрганган.

Соф олтин (Au) асосий амалий аҳамиятга эга минерал ҳисобланади.

Соф олтин кўпинча сульфидларда ўзгарувчан миқдорда бирлик белгилардан бир неча ўнлаб олтин зарраларигача бўлган миқдорда учрайди. Зарраларнинг ўлчами 0,001 мм дан 0,05 мм гача. Барча олтинлар юпка дисперсли (<0,001 мм) ва майда (0,001-0,007 мм) категорияларга бўлинади.

Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес трендидаги конларда бирламчи маъданлар юқори комплексли, унда олтин ва кумуш металларида ташқари бошқа муҳим элементлар: халькофиль металллар - Mo, Pd, Co, Ni, Cu, Zn; қимматбаҳо металллар - Au, Ag, Pt, Pd; яримметаллар - Sb, As; ноёб -: Re, Zn, Cd, Bi, Se, Te учрайди.

Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес трендидаги конларда бирламчи маъдан тўпланиши бўйича қуйидаги бир қатор металллар асосий аҳамиятга эга: Au (411) – Sb (262) – U (172) – As (136) – Se (76,4) – Cd (32) – Re (10) – Mo (5,7).

Намуналарни тадқиқ қилиш натижасида Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес трендида оксидланган маъдан конларида кенг спектр элементлари ўрнатилган, уларнинг миқдори 50 дан ортиқ номларни ташкил қилади. Бунда муҳим (олтин ва кумуш) ва бошқа аҳамиятга эга элементлар: маргимуш, олтингутурт, селен, кадмий ва б. учрайди.

Асосий таҳлил қилинган элементларни қуйидаги қисмларга ажратиш мумкин: Халькофиль – Mo, Cu, Pb, Zn, Ni, Co, Sn, Sb, As; Сидерофиль - Cr, V, Fe, Mn, Ti; Литофиль - Si, K, Na, Al, Ca, Mg ва б. Бу элементлардан ташқари маъдан таркибида асосий жойни эгаллайдиган элементлар, яъни юқорида кўрсатилган гуруҳларга мансуб бўлмаган элементлар – қимматбаҳо металллар Au, Ag, Pt, Pd; ноёб элементлар - Se, Te, Cd, Bi, Re, Te; сийрак ер элементлари - Y, La, Ce, Pr, Nd, Sm, Gd, Tb, Dy, Ho, Er, Tm, Yb, Lu.

Таъкидлаш лозимки, оксидланиш зонасида янги ўрнатилган соф металллар: гётит, гидрогётитда топилган Pd, Ni, Fe, Ag, Se, бунда ушбу элементлар юқори концентрацияси мавжуд: NiO (дан 0.04 гача 93%); Pd (дан 0.03 гача 0.07%); Ag (дан 0.02 гача 0.17%); селен (дан 0.05 до 0,23%).

Минераллар гётит ва гидрогётитларда ўта кенг тарқалган халькофилли қимматбаҳо элементларнинг бутун мажмуаси аниқланган: Au (дан 0,02 гача 0,40%), Ag (дан 0,02 гача 0,17%), Pt (дан 0,14 гача 0,61%), Pd (дан 0,03 гача 0,7%), Re (дан 1,34%) ва б.

Арсенатларда (скородит, петицит, фармоколит) арсенопиритнинг оксидланиши ҳисобига ҳосил бўлган ҳамда шунга ўхшаш қимматбаҳо элементлар мажмуаси аниқланган: Au (дан 0,08 гача 0,12%), Ag (дан 0,02 гача 0,46%), Co (дан 0,08 гача 0,21%), Ni (дан 0,25 гача 0,27%), Cu (дан 0,05 гача 0,08%), Zn (0,03%), Sb (0,16%) ва б.

Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес трендидаги конларда олтиннинг пробаси нисбатан юқори. Энг юқори пробалар оксидланиш зоналаридаги олтин зарраларида кузатилади. Бирламчи ва оксидланган маъданларда асосан олтин соф шаклда учрайди (Au-Ag, Au-Cu, Au-Fe) бунда майда ва микрон ўлчамларда бўлади.



Диссертациянинг «**Micromine** дастурида конларни 3D модели моделларини яратиш ва уларни тизимлаштириш» деб номланган тўртинчи бобда геологик материалларни қайта ишлаш жараёнида Micromine² дастурий пакетларини қўллаш натижалари ёритилган.

Боб маълумотлар базасини тузишда бирламчи маълумотларни сифатига талаблар ва масалани ечиш усуллари билан бошланади.

Махсус дастурий маҳсулотлардан фойдаланишда қоидага кўра, қоғоздаги оригинал структуралар бўйича шакллар тўплами - электрон жадваллар тузилади, лекин қоғоздаги вариантдан фарқли равишда бу ерда

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.micromine.com>; www.mmuz@micromine.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ҳужжатлаштириш босқичида киритилаётган маълумотларни сифатини текшириб, киритиб бориш мумкин, яъни бирламчи ҳужжатлар бошланғич босқичда кейинги фойдаланишлар учун тайёр маълумотлар базалари бўлиб хизмат қилади.




5-расм. Сардор участкаси 3D модели

Бурғилаш қудуқлари бўйича литология, минераллашув ёки исталган бошқа параметрларни киритиб чиқиш ва уларнинг барчасини ҳажмда кўриш, план ва қирқимларни боғлаш, намуналар бўйича маълумотларни киритиш ва танланган параметрларни саноат минераллашув билан алоқасини баҳолаш мумкин. Буларнинг барчасини тез ва ишнинг исталган босқичда бажариш мумкин, яъни бурғилаш ишлари бошлангандаёқ танланган параметрлар, уларнинг таъсир даражаси ва бирон бир қўшимча омилларни ҳисобга олинмай қолиш

эҳтимолини баҳолашга имкон беради. Зарурий ҳолларда шаблон осон ўзгартирилиши мумкин – унга қўшимча параметрлар киритиш ёки ортиқчасини олиб ташлаш, киритиш усуллари ўзгартириш мумкин.

5-расмда коннинг юзаларини рақамли модели (ЮРМ) ва каркасли моделларини (КМ) тузиш намунаси кўрсатилган.



6-расм. Южный Оқжетпес участкаси ички тузилишининг 3D модели







Таъкидлаш керакки, ҳудуднинг олтинмаъданли конларини анъанавий геологик-структуравий таснифлашда уларнинг уч ўлчамли моделлар базасида амалга оширишга имкон беради. Ташкил топувчиларни сифати ва муфассаллиги юқори бўлади.

Ҳажмий 3D моделларни ишлаб чиқиш якуни бўйича қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Объектларнинг 3D модели ҳудуддаги конларнинг геологик-структуравий таснифини тўлиқ тасдиқлайди, бунда морфологик хусусиятлари ва мос, кесувчи ва мураккаб таналар гуруҳларини ҳамда уларнинг турларини маъдан жойлашиш шароитлари бўйича ажратиб беради (6 ва 7-расм).

2. Маъданли қатламларнинг ўта мураккаб ва узук юлук шаклларини тахминан кўрсатиш имкониятига эга. Бундай ҳолатларда узулмали-бузилмалар роли етарлича баҳоланмаган ва гипергенез намоёнлари бўялиш омили оқибатида етарли баҳоланмаган ҳолларда юз бериши мумкин.

3. Замонавий Micromine дастурий маҳсулотидан фойдаланиш геология-қидирув маълумотларини тадбиқ қилиш бошланишидан тортиб геология қидирув жараёни тугашигача ва объектларни геологик-иктисодий баҳолашда ишончлилиги ва сифатлилигини тезкор таъминлаш имконини беради.

Гуруҳ	Маъдан таналари морфологияси	Жойлашувнинг асосий структуравий омиллари (структуравий тур)	Асосий минерал ассоциациялар. Конлардан мисоллар	Конларни 3D моделаридан мисоллар
Мувофиқ	Линзасимон, Қатламсимон	Турли жинслар контактининг эгилган қисми ва экран ости ҳолатлари	Кварц-пирит-арсенопиритли ва кальцит-доломитли Серебряный, Дайковий ва бошқ.	 <p>Серебряный участкаси ички тузилишининг 3D модели</p>
Кесувчи	Томирлар, Линзасимон, Қатламсимон	Тектоник очилган зоналар, қўпинча мураккаблашган тектоник бузилмалар	Кварц-пирит-арсенопиритли Рудная зона №9, Рудная зона №2, Сардор, Дальний ва бошқ.	 <p>Рудная зона 2 участкаси ички тузилишининг 3D модели</p>  <p>Сардор участкаси ички тузилишининг 3D модели</p>
		Синиб очилган узилмаларда тик ётувчи тектоник контактининг экран ости ҳолатларидаги қия ётувчи	Кварц-пирит-арсенопиритли ва кальцит-доломитли Джелсай, Базтау ва бошқ.	 <p>Базтау участкаси ички тузилишининг 3D модели</p>
Мураккаб	Қўзиқоринсимон, Томирсимон, Устунсимон	Минераллашган зоналарнинг мураккаб эгилган бузилмали структуралар билан биргаликда ва майдаланган	Кварц-доломит-олтин-арсенопиритли Сайний, Бахтли, Каратаг ва бошқ.	 <p>Сайний участкаси ички тузилишининг 3D модели</p>  <p>Каратаг участкаси ички тузилишининг 3D модели</p>

7-расм. 3D моделлар бўйича ҳудуддаги конларнинг турлари

Диссертациянинг «Бўзтоғ-Кокпатас-Оқжетпес тренди зонасида олтин маъданлашувини башоротлов-қидирув меъзонлари» деб номланган бешинчи бобда башоратлаш меъзонларини тизимлари ёритилган.

Фойдали қазилма маъданларининг жойлашишини асосий омилларини аниқлаш, уларни башоратлаш ва излаш самарадорлигини оширишнинг зарурий шартлари ҳисобланади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари бўйича ҳудуддаги олтин маъданлашувини баҳолашда асосий башоратлаш меъзонларини қуйидагиларга ажратиш мумкин: стратиграфик, литологик, структуравий-тектоник, минералогик ва б.

Стратиграфик ва литологик меъзонлар. Стратиграфик омил шундан гувоҳлик берадики олтин маъданли уюмлар ва маъдан намоёнлари асосан ўрта карбоннинг ($C_2b+m_1 kr$) қорашоҳ свитасига мансуб. Бунда қорашоҳ свитаси жинсларидаги олтин сульфидли минераллашув нотекис тарқалган. 50% атрофидаги олтиннинг разведка қилинган захиралари учинчи пачка ($C_2b+m_1 kr_3$) жинсларида тарқалган; 40% атрофида иккинчи пачка жинсларига, қолганлари биринчи пачка жинсларига тарқалади.

Литологик меъзон. Олтин-сульфидли минераллашувни биринчи ва иккинчи пачка жинсларидаги кумтошлар, туфликумтошларга тегишлилигини кўрсатиб беради. Учинчи пачка ётқизиқларидаги олтин маъданлашуви асосан пачка устида ва остида жойлашган юпқа паласали углерод-кварц-хлоритли сланецларга мансуб.

Кўрилатган объектдаги асосий маъдан қамровчи жинслар кварц ва кварц карбонатли метасоматитлар гуруҳига тегишли, уларнинг таркиби бошланғич литологик жинслар турланишига боғлиқ.

Олтинли маъданлашувни стратиграфик-литологик ролини кўриб чиқишда кон қатламларидаги асосий турдаги жинсларни физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш муҳим: деформацияланишга (эгиловчанлик ва мўртлик) ва гидротермал метаморфизм ҳодисалари (ғоваклилик).

Ушбу тадқиқотлар шуни билдирадики самарали ғоваклилик катталиги кучли ўзгаради – 4,4% дан кам ўзгарувчан 1,1% гача кварцланган турларида.

Минералогик меъзонлар. Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди зонасидаги олтин маъданли объектларни маъдан таркибини ўрганиш кўрсатдики, яъни конлардаги сульфидли маъданлар бўйича минерал таркиби ва структуравий-текстуравий хусусиятлари бўйича қуйидаги турларга ажратилди.

1. Томирсимон хол-холли олтин пирит-арсенопиритли ва таркибида дисперс сингенетик сульфидлари бўлган олтинли – маъданлар;

2. Томирсимон хол-холли пирит-арсенопиритли, таркибида дисперс ва соф олтинли чангсимон синфли сульфидлар;

3. Хол-холсимон кварц пиритли дисперсли олтин билан;

4. Олтин-кварцли томир-томирсимон маъданлар.

Айниқса ўзига хос маҳсулдор таркиб ва намоён биринчи иккита турдаги тип етарли ҳисобланади.

Структуравий тектоник меъзонлар. Букантоғ учун ҳудудий маъдан назорат қилувчи тектоник структуралар ва брахишаклли бурмаларнинг роли кўпгина маъдан майдонлари ва конларининг олдиндан аниқланган ҳолатларида бир бирини тўлдирувчи характерга эга.

Ажратилган асосий конлар Бўзтоғ, Кўкпатас ва Оқжетпес брахиқўтарилмасининг карбонатли ядросини четки қисмларида тарқалган.

Маъданлашувга мойиллик тенденцияси қалин карбонат қатламларининг қорашох свитаси ётқизиқлари қопламлари билан тектоник контактдаги зоналарда кузатилади. Бунда шартли равишда қопламали жинслар экран шаклида қабул қилинади.

Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес трендидаги кўпсонли узилмали бузилмалар ажратадиган турли ўлчамлар ва тектоник блоklarнинг шакллари бўйича серияларга ажратилади. Антишаклнинг ядроси ва ядроатрофи қисмларидаги майда узилмали бузилмалар ривожланган, майдаланиш зоналари, метасоматик ва томирли ва толали кварцланишлар, доломитланишлар ва сульфидланишлар, кўпинча олтин маъданли минераллашувлар ҳосил қилган.

Маъданли минераллашувлар тарқалиш жиҳатидан қуйидагиларга боғлиқ:

- майдоннинг асосий структурали элементлари билан-сурилма зоналари (Бўзтоғ, Қорашох, Восточний, Южный, Оқжетпес ва б.);

- шимолий-ғарбий йўналишдаги (290-310⁰) бош структуралар ва уларнинг таъсир зонаси билан – 35% ортиқ кон ва маъдан намоёнлари;

- шимолий-шарқий (70-80⁰) йўналишдаги ёриқлар зоналари ёки клинли (понасимон) субмеридионал ва диоганал йўналишдаги структуралар билан.

Олтинли маъданлашувни жойлашиш структуравий омиллари қуйидагилар ҳисобланади.

1. Антиклиналнинг гумбаз қисмидаги кесишган дарзликлар зонаси;

2. Антиклинал қанотларидаги клинли (понасимон) структуралар;

3. Мураккаб сурилмалар (надвиг) остидаги ҳолатлар;

4. Бир хил турдаги ётқизиқлар орасида бир-бирига туташган ва кесишган дарзликлар зонаси;

5. Бир-бирига яқин эгилган дарзликлар зонаси.

Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди зонасидаги шунга ўхшаш кўтарилмаларнинг табиий кетма - кетлик қонуниятига таяниб қорашох ётқизиқларининг икки (уч) тектоник окноси оралиғидаги Кўкпатас ва Оқжетпес тоғлари ўртасида кўмилган кўтарилмалар мавжуд бўлиши мумкин.

Маъдан жойлашган зоналар ва сурилма усти зоналари учун биринчи навбатда, ҳудуднинг асосий структураси - Кўкпатас дарзлиги, уларнинг диоганал кесишган узилмали бузилмалари мураккаблаштирган жойлар, айниқса брахиантиклинал тузилмалар қанотлари қулай ҳисобланади.

Ниҳоят ўрнатилган қонуниятлардан келиб чиқиб маъданли таналар ва зоналар жойлашишида асосий ролни шимолий-ғарбий йўналишдаги бош узилмали структуралар ва уларнинг шимолий-шарқий йўналишдаги дарзликлар зоналари билан кесишиш жойлари бажаради, бундай жойлар ёпиқ маъданли

зоналар ва томирли-линзасимон ҳамда устунсимон шаклдаги таналарни аниқлашда асосий белги бўлиб хизмат қилади.

Бу Оқжетпес маъданли майдонининг шимолий-шарқий қисми, Кўкпатас маъданли майдонининг қисми ва Бўзтоғ истикболли майдонининг жанубий қисми.

ХУЛОСА

Тадқиқотнинг умумий натижаларидан қуйидаги асосий хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Букантоғ тоғларида йирик ҳудудий структуралар мавжуд деб ҳисоблаш мумкин, умумтяншон структурасига нисбатан унинг чўзилиши бўйича кўпроқ диоганал жойлашган Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди зонаси чўзилиши бўйича 320^0 ни кенглиги 8 км ни ташкил қилади. Унинг асосий белгиларини девон-тошқўмир ёшидаги брахишаклли тепаликлар занжири, ётқизиқлар орасида энг қадимийлари кўкпатас свитаси жинслари ва қорашоқ қатламлари ҳосилалари ташкил этади.

2. Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди зонаси бу ерда юқори аҳамиятга эга бўлган олтин, кумуш, сурьма конлари ва маъдан намоёнларининг 80% дан ортиғи жойлашганлиги билан тавсифланади.

3. Ушбу йирик структуранинг ички тузилиши бир жинсли эмас. Бу ерда бир қатор бурмалар (Бўзтоғ, Кўкпатас, Оқжетпес) ажратилади, улар ўзининг узилмали ва бурмали структураларининг мураккаблашиш хусусиятлари билан тавсифланади. Зонадаги кенглик ва шимолий-ғарбий йўналишдаги ёриқларда жойлашган олтин сульфидли, олтин-кумушли минераллашувлар намоёнлари баъзан кон сифатида баҳоланади.

4. Маъданли зоналарни олдиндан аниқловчи позициялари ва уларнинг микёсларининг локал омиллари 5 та асосий гуруҳга ажратилган бўлиб, амалиётга тавсия қилинган.

5. Объектларнинг 3D моделлари ҳудуддаги конларнинг морфологик хусусиятлари ва маъдан жойлашиш шароитлари бўйича мос, кесувчи ҳамда мураккаб таналар гуруҳлари ажратилган геологик-структуравий таснифини тўлиқ тасдиқлайди.

6. Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес трендидаги конларнинг бирламчи маъданлари таркиби турлича. Унда олтин ва кумуш металларида ташқари бошқа муҳим элементлар: халькофиль металллар (Mo, Pb, Co, Ni, Cu, Zn), қимматбаҳо металллар (Pt, Pd), яримметаллар (Sb, As), ноёб элементлар (Re, Zr, Cd, Bi, Se, Te) учраши амалиётда тасдиқланган.

7. Оксидланган минералларнинг ўта кенг тарқалганларини темир оксидлари ва гидрооксидлари (гётит, гидрогётит), арсенатлар (скородит ва б.), темир сульфатлари (батлерит, ярозит) ва сликатлар (опал ва аллофан) ташкил этади. Темир гидрооксидларида ва арсенатларда микрозонлаш маълумотлари бўйича Au, Ag, Pt, Pd, Re, Co, Ni, Cu, Zn, Sb, As, Se, Te ва бошқа элементлар концентрациялари тасдиқланган.

8. Бирламчи ва оксидланган маъданларда соф туғма олтин учрайди, (Au-Ag, Au-Cu, Au-Fe) улар майда ва микрон ўлчамларда бўлиши яна бир бор тасдиқланган.

9. Маълумки геология қидирув ишларининг сифати бирламчи геологик маълумотлар базасини ишончли тузиш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш билан тўғридан тўғри боғлиқ. Замонавий Micromine дастуридан фойдаланиш ҳужжатлаштириш жараёнида бевосита ҳатоликлар содир бўлишини олдини олиш, аниқлаш ва тузатишга, геология-қидирув жараёнининг бошланишидан то якуналанишига қадар объектни геологик-иқтисодий баҳолаш ишларида геология-разведка маълумотларининг сифати ва ишинчилигини тезкор таъминлаш имконини беради. Бу келажакда вақт ва кучни тежайди, чунки захираларни баҳолаш босқичида ушбу хатоларни тузатиш анча мураккаб иш ҳисобланади. Ҳудуддаги кейинги тадқиқотларни Бўзтоғ-Кўкпатас-Оқжетпес тренди зонасининг намоён бўлиши билан боғлиқликда ривожлантириш ва хулосада келтирилган унинг кўмилган қисмининг истиқболни баҳолаш бўйича ишларни фаоллаштириш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.GM.40.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ,
ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ, ИНСТИТУТЕ
СЕЙСМОЛОГИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА И ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

ТАНГИРОВ АБДИМУТАЛ ИСАМИТДИНОВИЧ

**УСЛОВИЯ ЛОКАЛИЗАЦИИ МЕСТОРОЖДЕНИЙ ЗОЛОТА
В ЗОНЕ БОЗТАУ-КОКПАТАС-ОКЖЕТПЕССКОГО ТРЕНДА
И РАЗРАБОТКА ПРОГНОЗНО-ПОИСКОВЫХ КРИТЕРИЕВ**

**04.00.02 – Геология, поиски и разведка месторождений твердых полезных ископаемых.
Металлогения и геохимия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинета Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/GM15.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете им. Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.gpniimr.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Исаходжаев Бахтияр Абдукаримович
доктор геолого-минералогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Цой Владимир Деньевич
доктор геолого-минералогических наук

Колоскова Светлана Максимовна
кандидат геолого-минералогических наук

Ведущая организация:

ГУП «Уранредметгеология»

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в __ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.GM.40.01 при Институте минеральных ресурсов, Институте геологии и геофизики, Институте гидрогеологии и инженерной геологии, Институте сейсмологии, Национальном университете Узбекистана и Ташкентском Государственном техническом университете (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (регистрационный номер №___), (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел: (99871) 256-13-49).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № ___ от «__» _____ 2019 года).

Р. Ахунджанов

Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени, д.г.-м.н.

К.Р. Мингбоев

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, к.г.-м.н.

Х.А. Акбаров

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
академик, д.г.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мировой практике прирост запасов благородных металлов и обеспечение горнодобывающей отрасли сырьём осуществляются путем повышения эффективности геологоразведочных работ и выявления новых месторождений на закрытых территориях. В связи с этим при выявлении новых перспективных площадей и воспроизводстве минерально-сырьевой базы особую значимость приобретают постоянное совершенствование методики прогнозирования и поисков с применением достижений геологической науки, современного мирового опыта в области техники и технологии.

В настоящее время, во всем мире, проведение исследований по разработке критериев прогноза оруденения на скрытых площадях, на основе изучения условий локализации и особенностей крупных рудоконтролирующих структур месторождений полезных ископаемых являются приоритетным направлением прикладных исследований геологической отрасли, в этом плане, в том числе, при обнаружении месторождений ведутся прикладные исследования по определению условий размещения оруденения, их морфологии и разработка геолого-структурных классификаций. Решение этих проблем создает благоприятные условия для обеспечения достоверности прогнозирования оруденения на закрытых территориях и способствует научному обоснованию геолого-структурных позиций и оценки промышленной значимости глубоких горизонтов рудных месторождений.

В нашей республике осуществляются широкомасштабные реформы, направленные на обнаружение новых перспективных на золото площадей, в том числе, в результате проведенных мероприятий выявлены более десяти новых золоторудных месторождений, большинство из которых в настоящее время разрабатываются горными предприятиями. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены меры по «... интенсивному социально-экономическому развитию, повышению уровня жизни и реальных доходов населения, ... обеспечением сырьевого потенциала отдельных регионов»¹. При этом, особое значение приобретают проведение научно-исследовательских работ, направленных на изучение условий размещения и разработку прогнозно-поисковых критериев скрытого золотого оруденения гор Букантау.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 07 февраля 2017г. №УП4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента № ПП-3004 от 24 мая 2017г. «О мерах по созданию единой геологической службы в системе Государственного комитета Республики Узбекистан по

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

геологии и минеральным ресурсам» и № ПП-3578 от 1 марта 2018г. «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики - VIII. «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология, и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. Изучение закономерности размещения месторождений и рудопроявлений золота осуществляется учеными ряда ведущих научных центров и высших образовательных учреждений мира, в том числе, Т.М.Collins, Е.А.Lauha, Р.Jorelemon, Kenowna Bella, R.Seltman, Р.Д.Дженчураева, М.С.Рафаилович, в Узбекистане исследования закономерности размещения рудопроявлений в разные годы проводили И.Х.Хамрабаев, Г.В.Гарьковец, Х.Р.Рахматуллаев, Н.А.Никифоров, А.К.Бухарин, В.В.Михайлов, Р.В.Цой, В.В.Овчинников, С.Я.Клемперт, В.В.Овечкин, С.Д.Шер, И.П.Щербань, А.Д.Швецов, В.З.Зонов, Х.А.Акбаров, З.М.Абдуазимова, Р.А.Ахунджанов, Б.А.Исаходжаев, В.Д.Цой., М.К.Турапов, Р.И.Конеев, М.М.Пирназаров, Б.И.Мирходжаев, С.М.Колоскова, Р.Х.Миркамалов, С.Т.Марипова, Ю.В.Михайлова, М.С.Карабаев, Н.Ю.Дулабова и другие.

Несмотря на достигнутые научные результаты в прошлых лет существуют и ряд нерешенных проблем. В том числе, требуется дополнительные научные исследования по изучению условий размещения золоторудных месторождений и проявлений на территории гор Букантау.

Исходя из вышеизложенного назрела необходимость в отрасли разработки прогнозно-поисковых критериев оценки скрытого оруденения исходя из всестороннего изучения научных основ условий их размещения.

